



## БОҒЛАРДАГИ КУЗГИ-ҚИШКИ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР

Боғ қатор оралари 25-30 см чуқурлиқда ҳайдалади. Ҳайдашдан олдин гектарига 5-10 тонна маҳаллий ўғит солинади. Янги боғ ва токзорлар барпо этиш мақсадида ажратилган ерларга 30-40 тонна маҳаллий ўғит ҳамда 300-400 кг фосфор ва калийли ўғитлар ҳам солиши зарур. Қишки суғориш декабрда бир гектарига 1500-2000 м<sup>3</sup> сув сарфлаб, 4-5 кун давомида суғорилади. Боғ ва токзорлар атрофидаги коллектор ва зовурлар тозаланади. Об-ҳаво иссиқ кунлари катта ёшдаги мевали дараҳтларга шакл бериб буташ ишларини бошласа ҳам бўлади. Биринчи галда катта ёшдаги олма, нок, ургули мевали дараҳтлар буталади.

Шакл бериш, буташ ва қирқишиш ишлари дараҳтлар тиним даврида – хазонрезги охиридан то ўсув даври бошлангунча – куртак ёзгунга қадар ўтказилади, совук тушгудай бўлса (-5...-10°C ҳароратда) бу ишлар тўхтатилилади.

Совукқа чидамсиз бўлган данакли мевалар: ўриқ, гилос, шафтоли, олхўри, олча, тог олча ва субтропик ўсимликлардан хурмо дараҳтлари баҳорга яқин, февралнинг иккинчи ярми – март ойи бошидан шакл бериш, буташ ишлари олиб борилади.



Кузги-қишки мавсумда барча мева дараҳтлари биринчи галда шафтоли, олхўри, ўриқ, гилос дараҳтларининг тана ва она шохлари оқланиши зарур. Бунда 10 л сувга 2 кг тупроқ, 1,5 кг оҳак эритилиб қалин қилиб оқланади. Мол шатмоғи қўшилса тез ювилиб кетмайди. Ҳаво очиқ ва илиқ кунларда боғларни зааркунанда ва касалликлар захиралариға қарши ишловлар ноябрь ойи учун қўрсатилган тавсиялар асосида бажарилади. Боғларни дорилашда охирги йиллари кенг тарқалган монилиоз, кластероспориоз, парша, дараҳт таналарини шикастлайдиган рак касалликларига жиддий эътибор берилади. Бунда бардо суюклигининг 3-4% ли суспензия ҳолида дараҳтларни жиққа ҳўл бўлиш шарти билан пуркалади. Бордо суюклигининг ўрнига мис купоросини 1% ли ёки темир купоросини 3% ли қилиб сепса ҳам бўлади. Маълумки, касаллик юқумлари тўкилган



баргларда сақланади. Шунинг учун барча боғларда дараҳт атрофидаги тупроқ ағдарилиб чопилади ва шу йўл билан тўкилган барглар йўқотилади.

***Мақола муваллифи***

***Иҳтиёр Намозов***

*Кишилек хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент*

*Фермерлар мактаби Тошкент ҳудудий маркази*

*“Боғдорчилик” модули ўқитувчиси*